



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



conferences.uz

No 18
31 июль

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
5 -ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 5**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 5**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 18-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июль 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга багишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хукуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содикovich, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содикovich, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

1. Атамуратов Мурат Утепбергенович БОШҚАРУВ КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ	7
2. Tursunov Anvar Sultonovich ISLOMIY BANK XIZMATLARINING ASOSIY TAMOYILLARI HAMDA YO'NALISHLARI	11
3. Рахимова Мукаддас ибрагимовна ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ	13
4. Тошпўлат Матибаев ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ – ДАВР ТАЛАБИ	16



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

БОШҚАРУВ КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

*Атамуратов Мурат Утенбергенович
И.Каримов номидаги ТДТУ проректори
Сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент atamuratov78@rambler.ru;
Телефон: (+94) 631-26-25*

Аннотация. Маколада жамият тараққиётида кадрлар муҳим стратегик ресурс эканлиги ва уларнинг компетентлиги билан боғликлиги ўрганилган. Компетентлик кадрлар фаолиятининг натижасини кўрсатувчи мезон эканлиги демократик жамият тараққиётининг муҳим шарти сифатида қаралган. Ўзбекистон жамияти тараққиётининг янги босқичида кадрлар компетентлигини янада юксалтириш унинг соҳалари, мезонлари ва йўналишлари таҳлил этилган. Хулоса ва таклиф тавсиялар эшлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Компетентлик, демократик жамият ривожи, профессионал компетентлик, «бошқарув кадрлари», бошқарув компетентлиги, кадрлар компетентлиги, “компетентликни юксалтириш соҳалари, кўрнишлари, кадрлар салоҳияти, юксалтириш омиллари.

Ўзбекистонда демократик тараққиётининг хозирги босқичида давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффакиятли амалга оширилиши, авваламбор, мустаҳкам билимга эга, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсати йўналишларини тушунадиган, таҳлил қила оладиган, унда ўзи ҳам фаол иштирок эта оладиган ташаббускор кадрларга боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Янгиланаётган Ўзбекистонда замонавий жамият жадал суръатлар билан тараққий этаётган ижтимоий жараёнларни қамраб олар экан, масъул лавозимларда фаолият кўрсатаётган раҳбарлар зиммасига мураккаб ва масъулиятли вазифаларни юкламоқда.

Шу боис мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев бошқарув кадрлари юқори даражадаги профессионал ва бошқарув сифатларга эга бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Юртбошимизнинг фикрича, профессионализм бошқа мезонларга нисбатан иш ва фаолият билан боғлиқ энг асосий мезон хисобланиб, унга асосан шахснинг компетентлиги, омилкорлиги, яъни ўз ишини пухта ва сифатли бажариши, ҳар бир йўналишда юқори тежамкорликка ҳамда самарадорликка эришишни назарда тутувчи фазилатdir.

Компетентлик тушунчasi кенг тушунча бўлиб, у жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ ва кадрларга хос хусусиятларни, фазилатларни ўзида ифодалайди. Компетентлик тушунчasi бўйича турли хил қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Компетентлик деганда, кадрлар фаолиятини самарали ташкил этишда муайян натижага эришиш учун талаб этиладиган билим, тажриба ва кўникмаларнинг мавжудлиги ҳамда унинг аниқ соҳа йўналишлари бўйича намоён бўлиши тушунилади.

Хозирги глобаллашув шароитида бошқарув кадрларидан талаб этилаётган фазилатлар ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш, ўзига, миллатига, юрт равнақига ишонч ва юксак хурмат туйғусига эга бўлиш, ўз атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишиларни жалб этишдан иборатдир. Шунингдек, раҳбарларга қўйилган яна бир талаб уларнинг қобилиятли, инсофли ва диёнатли бўлиши лозимлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, “...ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносаб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайнинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур” [1].

Ўзбекистондаги шиддат билан кечеётган янгиланиш жараёнлари бошқарув кадрларининг билим ва кўникмаларини ўзгараётган шароитларга мослаштириш, уларнинг профес-



сионал ривожланишига янгича ёндашишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги раҳбар ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда чукур билимга, юксак салоҳиятга, мамлакатнинг истиқболи тўғрисида янгича фикрлаш қобилиятига, ахборот-коммуникация технологиялар соҳасида етарли даражада билимга эга бўлмоғи зарур. Шунингдек, ундан етук шахс, жамоанинг самарали фаолият юритиши ва ривож топишига кўмак берувчи ҳамда унда хукм сураётган қадриятларга содик жамоа аъзоси, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ходим, таълим-тарбия берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, соғлом муҳит яратувчи, ахлоқий фазилатларга бой устоз, замон талабларига жавоб берадиган, ўз касбини пухта эгаллаган, маҳорати такомиллаштирилган, доимо изланувчан ва интилевчан мутахассис, қатъий иродали раҳбар бўлиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юргита садоқатли қадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишини талаб этмоқда”, [2] деган концептуал фикри бошқарув қадрлар компетентлигининг шаклланишини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ҳаётнинг ўзи ва ҳалқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни кўймоқда» [3]. Ҳаёт суръатларининг бекиёс тезлашуви ёки глобаллашуви раҳбар масъулиятини янада оширади. Раҳбар юкори даражада иқтисодий, маданий, маънавий, ҳукукий, диний, сиёсий билимларни эгаллаган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда ўзи бошқараётган идоранинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзулига сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Бугунги бошқарув қадрларнинг яна бир муҳим жиҳати унинг ижтимоий муносабатларга кириша олиш қобилиятидир. Агар раҳбар ўз жамоасидаги ходимлар билан намунали муомалага киришмаса, кези келганда кечиримли бўлмаса, бошқарувда муаммога дуч келиши табиий ҳол. Ҳақиқий раҳбар ҳалқ ва жамият манфаатлари йўлида ўз ҳузур-ҳаловатларидан воз кечади, бу йўлда бутун вужудини, ҳаётини, керак бўлса жонини бағишлиди. Раҳбар ўз фаолияти давомида жамият тараққиётига ғов бўлиб турган коррупция, маҳаллийчилик, ошна-офайнигарчилик, қариндош-уругчилик қаби иллатларга йўл қўйса, бундай ҳолатларга муросасиз бўлолмаса кўзлаган эзгу мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Шу нұқтадан демократик тараққиётининг янги босқичида замон талабларига жавоб берадиган янги бошқарув қадрлар тизимини яратишга ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. бошқарув қадрлари компетентлигининг шакллантириш мезонлари:

1) “Давлат идораларининг ҳалқ учун ишлаш керак” деган муҳим тамойили асосида фаолият олиб бориш. Бу давлат манфаатлари устуворлик тамойилларидан воз кечиш, унинг ўрнида давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини ошириш натижасида инсон манфаатлари устуворлиги тамойилига ўтишни англаатди.

2) Жамиятнинг иқтисодий негизида давлат мулки ягоналигига барҳам берилиди ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мулкнинг хилма-хиллиги эътироф этилди. Ҳуссий мулк тан олинди ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бўлди. Бу бошқарув қадрлар тизимининг янгиланиш ва модернизациялашишига иқтисодий асос бўлиб хизмат қилди.

3) Давлат ҳокимияти институтлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг мақсади мамлакатда инсон ҳукуқ ва манфаатлари устуворлиги ҳамда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” концепциясига ўтиш асослари белгилаб олинди. Бошқарув қадрларининг фаолияти ҳам ана шу мақсадларни амалга оширишга йўналтирилди ва унинг талабларига жавоб берадиган янги бошқарув қадрларини тайёрлашга қаратилган демократик ислоҳотлар амалга оширилди.

4) Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаёти асослари тубдан ўзгаририлди ва янгича асосга ўтказилди. Бу бошқарув қадрлардан ана шу янгича асосга мос келадиган билим, кўнишка ва малака, дунёкараш, онг ва тафаккур кўнишкаларни тўлиқ ўзлаштиришни биринчи ўринга чиқаради. Албатта, уни ўзлаштириш ва амалга ошириш осон бўлаётгани йўқ. Бу эса сиёсий институтлар ҳамда мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган янгича усуздаги бошқарувни амалга оширишни талаб этади, шунингдек, қадрлар зиммасига янги талаблар қўйғанлиги билан характерланади. Бошқарув қадрларда “Озод шахс, раҳбар шахсга хос бўлган мустақиллик тафаккури билан боғлиқ фазилатларни шакллантиришни тақозо этди”. Ушбу жараённинг ўзлаштирилиши ҳам бошқарув қадрлари тоифалари



ўртасида осон кечмаганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат бўлиб, мамлакат истиқболи ва келажагини яратиш уларнинг зиммасига юксак маънавиятга эга бўлиш ва «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғояга оғишмай амал қилиш талабини қўяди. Бу миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғун кўришни ва ҳар бир раҳбардан ўзи ёниб ва ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши, фаолият кўрсатиши зарурлигини талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жорий йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида биз, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириши максад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотларни амалга ошириш, илм-маърифат ва инновацияни кенг равнақ топшириш билан эриша оламиз. Бунинг учун, аввалимбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Таракқиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориши имкониятини беради, деб таъкидлаган эди [4].

“Давлат идораларининг ҳалқ учун ишлаш керак” деган муҳим тамоийил бошқарув кадрларининг фаолиятини конституция асосида янгича амалда ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу боис, муҳтарам Президентимизнинг кўрсатмасига биноан бошқарув кадрлари кўпроқ ҳалқ билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини бевосита жойида ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Бошқарув кадрлари замонавий ахборот-коммуникация ютуқларидан, электрон ҳукумати тизимларидан ҳамда давлат хизмати агентлиги соҳасида ташкил этилаётган хизмат кўрсатиш воситасидан ўз фаолиятини ташкил этишда кенг фойдаланиши уларнинг иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни вужудга келтириш сиёсатининг амалга оширилиши бошқарув кадрлари олдига мутлақо янги вазифаларни қўйди. Давлат ҳокимиятини номарказлаштириш маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бошқарув кадрлар тизимининг янада модернизациялашиш жараёнлари амалга ошаётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, **биринчидан**, янгиланаётган Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ижтимоий ҳаёт соҳаларининг тубдан ўзгаришига асос бўлмоқда. Муқаммал ва самарали бошқарув тизимини яратиш эса ҳар бир бошқарув кадрларига янгича талабларни қўймоқда.

Иккинчидан, бугунги бошқарув кадрлари ўз мутахассислиги билан боғлиқ бўлган билими давлат ва жамият бошқаруви соҳасида раҳбарликни амалга ошириш учун етарли эмас. Замон эса улардан тегишли соҳалар бўйича раҳбарлик ва бошқарув маҳоратига, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб, уларнинг оқибатларини бартараф этиш қобилиятига, очиқлик ва ҳисоб бериш масъулиятига, юқори даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлиш заруриятини талаб қилмоқда.

Учинчидан, бугунги раҳбар ва бошқарув кадрлари «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” дастурий ғоя тўғрисида ва умуммиллий манфаатлар, мамлакатнинг истиқболи тўғрисида янгича фикрлаши, янги ғоялар ҳамда раҳбар кадрлар янгича онг ва тафаккурнинг жамият ривожланишини таъминлашда муҳим омил эканлигини чуқур англашини тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, бугунги бошқарув кадрлари тизимининг модернизациялашиши кадрларда ташаббускорлик кўрсатиш, ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқиши, стратегик фикр юритиши, илғор ғояларни кўллаб-қувватлаш, замонавий бошқарув усусларини кўллашда технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишни талаб қилмоқда.

Бешинчидан, бугунги кун доимий равишда изланиш, янгилик яратиш заруриятини юзага келтирди. Ҳар бир бошқарув кадрлари ўзи масъул бўлган соҳани ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларга эга бўлиши, ўзига ишониб топширилган соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаши ва якуний натижага учун тўлиқ жавобгарлик масъулиятини қалбан ҳис этиши шарт.

Олтинчидан, бугунги замонавий раҳбар ватанпарвар бўлмоғи, ҳалол-пок, эл-юргутга содик кадрларни кўллаб-қувватлаши ва уларнинг давлат ва жамият бошқаруви соҳасида



фаолият юритишига кенг йўл очиб бериш фазилатига эга бўлмоғи керак. Шундагина ҳаётимизда учраб турган ҳам раҳбар, ҳам бошқарув кадрлари фаолияти билан боғлиқ бўлган қусурларнинг олди олинади. Замоннинг бошқарув кадрларига қўяётган асосий талаби ҳам ана шу ғояда намоён бўлади.

Шу билан бирга, бошқарув кадрлари юқорида санаб ўтилган янгича талабларга, тамойилларга жавоб бериш маҳоратига ҳамда янгича тафаккурга вадунёқарашибга эга бўлиши шарт. Негаки, ана шундай талаблар асосида иш олиб бориш халқимиз ҳаёти фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омили. // <http://uza.uz>. 15-11-2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz>. 22-12-2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 10 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 25.01.2020й. № 19 (7521)сон. 2-бет.



ISLOMIY BANK XIZMATLARINING ASOSIY TAMOYILLARI HAMDA YO'NALISHLARI

*Tursunov Anvar Sultonovich
Toshkent Moliya Institutি Budjet hisobi va g'aznachilik
ishi kafedrasi o'qituvchisi
+998907392111
Anvartursunov7@gmail.com*


Anotatsiya: Ushbu Tezisda Islomiy bank xizmatlarining asosiy tamoyillari va yo'nalishlari yoritilgan. Bugungi kunda islom moliyasi kapitalining uchdan ikki qismi islom banklaring ulushi tashkil qiladi. Tijorat banklarida islomiy bank xizmatlarining tashkil qilish orqali Covid 19 pandemiyasining mamlakatimiz iqtisodiyotiga salbiy ta'sirini kamaytirish, kambag'allikni qisqartirish, aholi qo'lidagi bo'sh pul mablag'larini jalb qilish, bo'sh ish o'rnlari yaratish lozim.

Tayanch so'z va iboralar: islom iqtisodiyoti, islomiy bank, tijorat banki, islom

Iqtisodiy rivojlanishning uchun muhim omillaridan biri bu investitsiyalardir. Bank tizimini ishlashi, kredit siyosati bu investorlar e'tibor qaratadigan muhim faktor hisoblanadi. Har bir jamiyatda ikkita asosiy guruh mavjud, ortiqcha pulga ega bo'lgan, ammo investitsiya qilishni bilmaydigan yoki xohlamaydigan kishilar bilan mablag'ga muhtoj ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish faoliyati bilan shug'ullanuvchi tadbirkorlar. Banklarning asosiy vazifalaridan biri omonatchilardan ortiqcha pul to'plashdir va uni ishlab chiqaruvchilarga taqsimlashdir. Ammo, an'anaviy banklarda "riba" foiz stavkasi mavjud bo'lganligi sababli, Musulmon mutafakkirlari yuqoridaqgi vazifalarni bajara oladigan muqobil bank xizmatlarini taklif qildi. Islomiy bank tizimi barqaror rivojlanish va ijtimoiy adolatlilik nuqtai nazaridan muhim rol o'ynaydigan printsiplar va axloqiy qadriyatlarga asoslangan moliyaviy-iqtisodiy model sifatida namoyon bo'ldi. Islomiy bank xizmatlari moliyaviy-iqtisodiy munosabatlari islom shariati asosida tartibga solinadi. Bular quyidagi ketma-ketlikda keladi Qur'on Karim, Hadisi Sharif, Ijmo va Qiyos. Islomiy bank xizmatlarining o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- ✓ Sudxo'rlikning mavjud emasligi;
- ✓ Ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish orqali qo'shimcha qiymat yaratilishi;
- ✓ Real aktivlar bilan ta'minlanganligi;
- ✓ Axloqiy va ma'naviy jihatlardan tashkil topganligi;
- ✓ Tomonlarning axborotdan barobar xabardorligi;
- ✓ Foya va zararni taqsimlash.

Qanday atamalardan foydalanishidan qat'i nazar, islomiy bank tizimidagi shariat tamoyillarini 5 toifaga ajratish mumkin. **Birinchi** toifa foya va zararlarni taqsimlash tamoyili, **ikkinchisi** oldi-sotdi tamoyili, **uchinchi** toifa o'z ichiga yig'im va komissiyalarni oladi. **To'rtinchi** toifa bepul xizmat tamoyillarini, **beshinchisi** esa yordamchi tamoyillarni bayon etib beradi. Quyidagi tamoyillar aksariyat islomiy banklar tomonidan ko'p holatlarda amaliyotda ishlatiladi: muzoraba, mushoraka, murobaha, ijara, ijara val-iqtino, muajjal bay, istisno', qarzi hasan, vadia, rahn. Masalan, Malayziyada dayn bay, ijara tumma bay, vakolat, havola, ujr va vadia yad damana tamoyillari tarqalgan.



1-rasm. Islomiy bank tizmini kelib chiqish manbasi



Manba: E.A.Baydaulet, X. Xasanov "Islomiy moliya asoslari" O'zbekiston 2019

Alloh taolo Hadid surasi 11-oyatida shunday deydi: "**Allohga yaxshi qarz beradigan kishi bormi?! Bas, U ZOT unga bir necha marta ko'paytirib qaytaradi va unga karamli ajr bor**".¹ Xalqaro standartlar bilan qat'iy belgilangan va ko'pchilik islom banklari o'z faoliyatida foydalanayotgan asosiy bank xizmatlarini uch guruhga bo'lib ko'rsatish mumkin:

1. Sherikchilikka asoslangan bitimlar ya'ni foyda va zararni taqsimlash yoki ulushli moliyalashtirishga asoslangan xizmatlar: muzoraba va mushoraka;

2. Qarz bilan bog'liq oldi-sotdi bitimlarini moliyalashtirishga asoslangan xizmatlar: Murobaha, ijara (lizing), salam, istisno;

3. Bank tariflarini to'lashga asoslangan xizmatlar: Vakolat (agentlik bitimi)

Islom bank xizmatlarini tashkil etish, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari va kichik biznesning ehtiyojlari hamda to'lov qobiliyatiga mos keluvchi moliya mahsulotlari yaratish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ijtimoiy moliyalashtirish usullaridan foydalanish ko'plab mamlakatlarda kuzatilayotgan ommaviy qashshoqlikni yengish va aholining katta qatlamini moliyaviy-iqtisodiy jarayonga jalb qilish va shu orqali, iqtisodiy faollikni jadallashtirish hamda sog'lom iqtisodiy o'sish uchun zarur sharoitlar yaratishga qodir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol. Toshkent "Sharq" 2012 5-bet
2. Mufti Taqi Usmoniy. Al-Azhar Fatwa declaring interest permissible. www.albalagh.net/qa/azhar_fatwa_interest.html.
3. Azmat, S., Skully, M., Brown, K., 2015. Can Islamic banking ever become Islamic? Pac. Basin Financ. J Available at. <http://linkinghub.elsevier.com/retrieve/pii/>
4. E.A.Baydaulet, X. Xasanov "Islomiy moliya asoslari" O'zbekiston 2019, 401-bet

¹ Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol. Toshkent "Sharq" 2012



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Рахимова Муқаддас ибрагимовна
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
II-босқич таянч докторанти
Mukaddasibragimova72@gmail.com
+99893 569 46 36

Аннотация: Мақолада муаллиф жамиятни изчил ривожлантириш, давлат бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятини халқчиллаштиришга қаратилган муҳим объектив ва субъектив омилларни илгари суради, интуитив бошқариш жиҳатларини илмий тадқиқ қиласди. Шунингдек, муаллиф давлат раҳбарининг мамлакат ички ва ташки сиёсати ишларининг бажарилиши бўйича энг муҳим масалалари борасида парламентга мурожаат йўллаш тартибининг амалга оширилиши- давлатнинг демократик услубдаги бошқаруви сифатида кенг кўламдаги ислоҳотлари давлат бошқарувининг ҳалқ билан мулоқот тамой-илига уйғун бўлган механизми сифатида хизмат қилишини ёритганлар.

Abstract: In the article the author proposes important objective and subjective factors aimed at the progressive development of society, democratization of public administration, the democratization of state power, and the study of intuitive governance aspects. The author also points out that the implementation of the presidential address to the parliament on the most important issues of domestic and foreign policy is a broad mechanism of democratic governance of the state as a mechanism of public administration consistent with the principle of public relations.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, демократлаштириш жараёни, фундаментал ўзгаришлар, оптималлаштириш, концептуал ғоя, конструктив ёндошув, интуитив бошқарув, Президент мурожаати, Ҳалқ қабулхоналари.

Ключевые слова: Стратегия действий, фундаментальные изменения, процесс демократизации, оптимизация, конструктивный подход, концептуальные идеи, послание Президента, народные приёмы Президента.

Key words: Action Strategy, democratization process, fundamental changes, optimization, conceptual idea, constructive approach, intuitive management, Presidential address, Appeal of citizens.

Инсоният тарихида асрлар мобайнида давлат ҳокимиятининг одамлар манфаати, жамият равнақи йўлида хизмат қилишига ҳаракат қилинди. Бироқ, легитимлик йўли билан дастлабки ҳокимият бўлиниши каби сиёсий-хуқуқий, замонавий-назарий карашлар амалиётга кириб келмагунча фаолият мақсади инсоният баҳт-саодатига қаратилган ҳокимият тизими кузатилмади. Ҳокимиятни тартибга солувчи ушбу назария давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида амалга оширилган ислоҳотларнинг энг барқарори бўлиб, унда ҳокимиятлар бўлиништамойилини ҳаётга изчил тадбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро ва манбаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш каби долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди. Ҳокимиятлар бўлиниши класик тамойилининг мазмун - моҳиятини «бирбира ни тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» механизмининг мавжудлиги билан бирга, унинг реал ишлаши ташкил этади. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишда ҳокимиятни тақсимланиши тамойилининг конституциявий асосда қўланилиши бизда демократик тузумнинг ўрнатилганлигидан далолат беради. Шу жиҳати билан концепция давлатнинг бошқарувдаги барча амалий ҳаракатлари ва доирасини белгилайди ҳамда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида барқарорлиқ, ҳокимият органлари ўртасида мувозанат механизмини яратади.

Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар эвазига тажриба тўпланди, тизим янгиланди: тоталитар режимга барҳам берилиб, давлатчилик усул ва услубида рационал ёндошувлар шаклланди. Демократик тамойилларга кенг йўл очилди. Шу нуқтаи назардан қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, “Буюк келажагимизни олийжаноб ва мард ҳалқимиз билан бирга курамиз...”^[1]. Дарҳакиқат, бугунги шароитлар бутунлай янги

^[1] Жўраев Н.Тамаддунга даъват (Президент Ш.М. Мирзиёевнинг жадал тараққиёт стратегияси ҳакида мулоҳозалар). Тошкент. “Ўзбекистон”. 2018. Б. 6



давр давлатчилигига асос солинди дейишимиз мумкин. Албатта, ҳозирги жадал тараққиёт жараёнининг таянчи юртимиз Ўзбекистонда, давлат бошқарувнинг демократик услуги сифатида ҳокимлик органлари ваколатларининг қонуний меъёрларини оптималлаштириш, ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғидаги қонун талаблари ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, мустақил қарорлар қабул қилишга йўл очади. Буларнинг бариси Ўзбекистон жамияти амалиётда сифат жихатидан мутлақо янги даврни бошлаганини билдиради.

Гап, давлат раҳбарининг сайлов олди дастури асосида ишлаб чиқилган ва бугун ҳаётга тадбиқ этилган Ҳаракатлар стратегиясининг моҳияти борасида борар экан, шуни алоҳида таъкидлаймиз, Стратегиянинг бугунги кун учун хос бўлган маъноси ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистоннинг эркин ва фаровон давлат бўлишига эришиш, одамлар ҳаётини тубдан яхшилаш, баҳтли турмушини, кафолатли тинчлигини таъминлаш, ҳар бир инсоннинг эртанги кунига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Ҳақиқатдан ҳам, фуқароларнинг замонавий тафаккури давлат борасида ўз тушунчаси, бошқарув хақида шахсий фикри, унинг ривожланишига алоҳида ёндошуви борлиги, ижтимоий-сиёсий жараёнга муносабати кардинал ўзгарганлиги билан характерланади. Эндиликда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш жараёнлари, фуқаролар онгига фундаментал ўзгаришлар, жамиятни ташкил қилишнинг демократик шакллари - инсон ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни соддалаштирилган тартиби шароитида рўй бермоқда. Ижтимоий адолат тамойили нуктаи назаридан ислоҳотларнинг шу зайлда бориши ҳалкни, демократик кўпчиликни давлатни ҳалқчил бошқариш жараёнларидағи фаол ишитирокини таъминлади. Бундан давлат ҳокимияти органларининг жорий вазифаси – ҳалққа хизмат қилиш билан белгиланган. Бу борада Президент Ш. Мирзиёев шундай деган эди: “Бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хуласалар чиқарилади”^[1]. Буларнинг бариси тўғри, албатта. Чунки, истиқлоннинг асл моҳияти, Ўзбекистоннинг бош мақсади, такомиллаштиришнинг устувор йўналиши ҳам – ҳалқ давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи сифатида қаратилганлигига. Бунинг учун бошқарув механизмидағи давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мухим масаладир. Албатта, ҳозирги жадал тараққиёт жараёнининг таянчи Ўзбекистонда, давлат бошқарувнинг демократик услуги сифатида ҳокимлик органлари ваколатларининг қонуний меъёрларини оптималлаштириш, ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғидаги қонун талаблари ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, мустақил қарорлар қабул қилишга йўл очади. Буларнинг бариси Ўзбекистон жамияти амалиётда сифат жихатидан мутлақо янги давр бошлаганини билдиради. Шу қаторда давлат бошқарув органларини оптималлаштириш аҳолига сифатли ва холисона хизмат кўрсатиш бўйича уларнинг маъсулият ҳиссини кучайтиришга қаратилган давлат бошқарувини модернизация қилиш зарурлиги масаласи айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замонда инсон омили ҳисобга олингандагина, умумий ва хусусий мақсадлар, манфаатлар бир-бирига қарама-карши келиб қолмаган тақдирдагина модернизация муваффақият қозониши мумкин ^[2]. Шу ўринда, албатта, ривожлантиришнинг бешта йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам айнан адолатли ва инсонпарвар жамият қуришнинг оддий, содда, ҳалқчил тамойили илгари сурилди, ҳамда ҳалқ билан самарали мулоқотни таъминлаш дастурлари ишлаб чиқилди. Даструга мувофиқ ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш, давлат ҳокимияти тизимини демократлаштириш, улар фаолияти услубини ҳалқчиллаштириш тенденция лари ҳалқчиллик тамойили асосида барқарор ишлаш механизмини яратади. Шу ўринда, давлат раҳбарининг “Ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак” деган талабнинг қўйилиши жамиятда ижтимоий адолат принципларининг барқарор бўлишига, қонун устуворлигига эришишга, қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланишига

¹ Ш.Мирзиёев. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Т.: “Ўзбекистон”НМИУ, 2017.153-б.

² Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар жараёни. Ўзбекистон республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси. “Академия”. Тошкент, 2011. Б. 20



олиб келади^[1]. Бу ҳаққоний тенденциянинг амалий ифодаси сифатида ташкил этилган халқ билан мулоқот қилиш механизмлари яъни, Ўзбекистон Республикаси Президенти портали, Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг Халқ қабулхоналари, хокимликлар ҳузуридаги дастлаб "ягона дарча" ва кейинчалик "давлат агентлиги хизмати"га такомиллаштирилди, жойларда сайёр қабуллар йўлга қўйилди. Албатта, буларнинг барчаси сиёсий нуқтаи назардан давлат амалиётидаги феноменал ходиса. Маълумки, юртимизда шаклланган янги тарихий шароитларда ахолидан келиб тушган ариза ва таклифларни чуқур ўрганилганлиги, умумлаштирилганлиги эвазида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ахолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилди. Лойиҳани жорийлаштирилишида, юридик шахс мақомига эга бўлмаган – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Муҳими, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишда давлат ҳокимияти фаолиятининг моҳияти, шакли ва услуби жамиятнинг миллий - маданий ва ижтимоий - сиёсий ривожланишининг тарихий шароитлари, халқ сиёсий ва хукукий маданиятининг ўзига хослиги, ҳукмрон элитанинг профессионал лиги ва иродаси, давлатнинг тузилиш шакли ва сиёсий тартиби билан белгиланади. Бироқ ташки мухит таъсири ҳар бир давлатнинг содир бўлаётган глобал ўзгаришларга жавоб берадиган ўзининг маъмурий тизимини ислоҳ этишини талаб этади. Бу ўзгаришлар бозор иқтисодиёти шароитида давлат чиқимининг камайишига, давлат функцияларининг бажарилишига олиб келади. Шунингдек, давлат хизматлари сифатининг ошишига, тўлақонли фуқаролик жамияти бунёд этилиши ва, албатта, аҳоли асосий кўпчилигига давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончини мустаҳкамланишига олиб келади^[2]. Бошқача айтганда, гап ушбу мавзуни назарий ва амалий жиҳатларини бугунги кун назарияси билан батафсил ёритиш аҳамияти борасида. Шу ўринда, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдағи қабул қилган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ролини янада кучайтиришга, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш масалаларига устувор аҳамият қаратилгани айниқса эътибор молик^[3]. Мамлакатнинг янги истиқболдаги ривожланиш йўналишини белгилаб берган бу тарихий хужжат албатта, кўп йиллар давомида конструктив-дастуриамал сифатида хизмат қиласи.

Юқорида келтирилган фикрларни мулоҳоза қилиб шундай хуносага келиш мумкинки, демократия талаблари, инсон мафаатлари нуқтаи назаридан жамиятнинг ҳукumat олдига қўядиган талаблари анча юкори. Албатта, жамият давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятидаги бошқарувни ҳар жиҳатдан самарали деб билишни истайди. Шунингдек, ижтимоий муаммоларни самарали хал этиш ва жамиятни изчил ривожлантиришни таъминлашга имкон берадиган объектив ва субъектив омилларни ўрганишга асосланган, интуитив бошқаришни кенг жорий қилиш зарурияти борлигини эслатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев Н.Тамаддунга даъват (Президент Ш.М. Мирзиёевнинг жадал тараққиёт стратегияси ҳақида мулоҳозалар). Тошкент. "Ўзбекистон". 2018. Б. 6
2. Ш.Мирзиёев. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Т.: "Ўзбекистон"НМИУ, 2017.153-б.
3. Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар жараёни. Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. "Академия". Тошкент, 2011. Б. 20
4. ЖўраевН.Тамаддунга даъват (Президент Ш.М. Мирзиёевнинг жадал тараққиёт стратегияси ҳақида мулоҳозалар). Тошкент. "Ўзбекистон".2018. Б. 26.

¹ ЖўраевН.Тамаддунга даъват (Президент Ш.М. Мирзиёевнинг жадал тараққиёт стратегияси ҳақида мулоҳозалар). Тошкент. "Ўзбекистон".2018. Б. 26.

² Давлат ва муниципал хизмат: услубиёт, назария, амалиёт, хорий тажриба. Ростов н/Д., 1997.

³ Қаранг: "Халқ сўзи", 2017 йил 8 февраль.



ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ – ДАВР ТАЛАБИ

Тошпўлат Матибаев,
Социология фанлари доктори, профессор,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
tashpulat@mail.ru

"Биз бошқарув соҳасида биринчи навбатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини таомиллаштириши, кадрлар, мoddий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишишимиз зарур"¹.
Ш.М.Мирзиёев.

Аннотация. Ушбу мақолада давлат корхоналарида замонавий бошқарув самарадорлигини ошириш механизмлари тўғрисида. Шунингдек, мазкур тизимни жорий қилишда бошқарувда кадрлар, меҳнат ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича сўз юритилган.

Калит сўзлар: давлат, замонавий бошқарув, раҳбарлик, қонун, кадр, меҳнат ресурслари, масъулияят, ислоҳотлар.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш шароитида кадрлар тайёрлаш ва танлаш тизимини сифатли ташкил этиш, жамият ва давлат олдида турган ғоят муҳим катта вазифалардан биридир. Бугунги кунда замоннинг ўзи барча поганадаги раҳбарлардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижроҷиси бўлишни ҳамда улардан бошқаларга намуна кўрсатишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Замонавий раҳбар юқори касбий билимга эга бўлиб, ўз соҳасини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ва расмий хужжатлар, меҳнат ресурслари ва ишларни бошқариш, мониторинг қилиш, таҳлил қилиш ва қарорларнинг оқибатларини прогнозлаш, расмий ва маҳфий маълумотлар билан ишлаш тартиби, меҳнат қонунчилиги ва бошқа қоидаларни билиши лозим.

Шу нуқтаи назардан инсоният цивилизациясининг бутун тарихиadolatli бошқарув тарихи ҳамдир. Ижтимоий фанлар доирасида ҳамadolatli хукумдор проблематикаси доимо марказий ўринлардан бирини эгаллаб келган. Ўтмишдаги йирик файласуф, мутафаккир ва жамиятшунос олимлар у ёки бу тарздаadolatli бошқарув масалаларини таҳлил этиб, унинг очилмаган жиҳатларини ишлаб чиққанлар.

Буюк файласуф Абу Наср Фаробий ўз асарида: “Раҳбарлик – одамларни баҳт-саодатга етаклаш санъати”, – деб айтади. Баҳт-саодатга ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини уқтиради. Демак, раҳбар чин маънодаги муаллим каби бўлмоғи зарур. Сўнgra мутафаккир: “Раҳбарларнинг фаолияти мақсадга сазовор бўлмаса ва бу иш унинг қўлидан келмаса, у ҳолда бошлик, деб аталишга лойиқ эмас. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди”, деб фикр юритади. Мутафаккирининг юкорида баён этилган фикрлари ҳозирги давримиз учун ҳам ибратлидир.

Шунингдек, Амир Темур ҳам давлатни идора қилиш, ўзининг амирларини тайинлаш, уларга бўлган талабларга доир фикрларини “Темур тузуклари” асарида шундай баён қиласди: “Давлатни бошқарувчи салтанат юмушларида тўрт ишни қўлласин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) хушёrlигу мулоҳазакорлик; 4) эҳтиёткорлик.

Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритган инсон токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагай. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру-тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-бильмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. Хуллас, катъийлик, сабр, чидамлилик,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 15 ноябрь куни мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиши масалаларига багишинланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. //http://uz.a.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchilknin-15-11-2017.



хушёрлик, эҳтиёткорлик ва шиҷоат билан барча ишлар амалга оширилгай”¹.

Дарҳақиқат, агар раҳбар баъзи бир одий одамлар каби бўш-баёв ва жоҳил бўлса, у одамларга наф келтирадиган қонунни жорий эта олмаслиги аниқ. Ўзи қонунни менси-майдиган ва шу билан бирга қўли остидагиларни ҳам қонунга итоат эттира олмайди-ган раҳбар нафақат жамиятдаги муносабатларга зарар келтиради, балки жамиятда катта кўнгилсизликларни ҳам келтириб чиқаради. Албатта, мамлакатдаги қонунчилик факат қабул қилинган қонунлар сони билан белгиланмайди. Президент Шавкат Мирзиёев таъ-кидлаганидек: “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини ҳалқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун та-лабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатdir. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас”². Қонунларни ҳаётга жорий қилиш жараёни осонлик билан кечмайди. Бу кўп жиҳатдан фуқароларнинг хуқуқий маданият даражасига боғлиқ.

Айниқса, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар адолатли мам-лакат тақдири учун қайғурладиган, ҳалол, пок, салоҳиятли кадрларни тарбиялашни тақозо этмоқда.

Бошқарувнинг маълум қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга йўналтирилган сайд-ҳаракатлар бор. Лекин айрим бўғинлардаги идораларда ўтирган, эскича фикрлайдиган, раҳбарликни юксак масъулият деб эмас, балки мартаба деб қарайдиган, тадбиркорлик ва ташаббускорликка йўл бермайдиган таъмагир кимсалар бу интилишларга тўсиқ бўлаётгани аччиқ ҳақиқат.

Бугун дунёда шиддат билан кечеётган янгиланишлар, тараққиёт биздан ҳам новатор бўлишни талаб қилмоқда. Янги Ўзбекистон – янги давр, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари шиори остида раҳбарлар ўз вазифасига очиқлик, ошкоралик ва холис ёндо-шиш талаб қилинмоқда.

Бошқарув тизимининг айрим бўғинларидағи мавжуд тўрачилик бошқарув усулларини бартараф этиб, демократик, ҳалқчил тамойилларни қарор топтирмас эканмиз, ривожлан-ган, демократик жамиятни барпо этиш борасидаги уринишларимиз сароб бўлиб қолади.

Бунинг учун ҳар биримиз бепарволик, лоқайдликни йиғиширишимиз, жамиятдаги иллатларга қарши кураш олиб боришимиз шарт. Машхур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этган: “Душманлардан кўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўллаверади”³.

Агар ҳаётий тажрибамизга назар солсақ, айрим бюроқрат ва консерватив, яъни дог-ма раҳбарлар билимсизлиги, савиясизлигини яшириш учун, лавозимдан манфаат, бойлик, шуҳрат орттириш учун билимсиз, саводсиз кадрларни ишга олишга уринади. Ташаб-бускор кадрлар яна сояда қолиб кетаверади. Бундай жойда ўсиш, тараққиёт бўлмайди. Элим, юртим деб яшайдиган, нафақат жамоаси орасида, балки мамлакат доирасида катта обрў-эътиборга эга ўрта бўғиндаги малакали кадрларнинг ташаббусини ундан юкорироқда ўтирган раҳбар ўзининг ташаббуси қилиб кўрсатади, турли баҳона ва тухматлар билан етук кадрнинг бошига етади, бундай раҳбарлар шахсий адоватини давлат манфаатидан юқори қўяди. Ваҳоланки, курсидан фойдаланган ҳолда рақибдан алам олиш Ватанга хиё-нат қилиш, демакдир.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу – тоталитаризм меросидан ҳалос бўлиш ва покланиш, мағкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу – жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва ижтимоий истиқлолга эришиш йўлидир. Бу йўлдан факат ҳақиқий ватан-парварларгина, ўз мамлакати ва ҳалқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишилаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-ғайрати, ташаббуси, би-

¹ “Темур тузуклари” Тошкент “Ўзбекистон” 2018 й.

² Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –592 б.

³ Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент, “Маънавият”, 2008 йил 124-бет



лими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади.

Бу борада ҳаммамизга давлатимиз раҳбари олиб бораётган жўшқин сиёсат ва фаолият ибрат бўлиши лозим. Зоро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз чиқишлирида суръатли замон талабини бот-бот тақорорлаши бежиз эмас: "Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва тақлифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб хисоблайман. Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айни шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман"¹. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз"².

Бу жараёнда ижтимоий адолатсизлик кўринишларини бартараф этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигининг ошиб бориши муҳим. Қолаверса, жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳукуқ бузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл кўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур. Президентимиз таъбири билан айтганда, Коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ҳукуқ бузарликнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади³.

Бугун юртимиздаги ҳар бир фуқарони битта мақсад бирлаштиради, у ҳам бўлса: Ватанимиз тараққиётидир! Муқаддас юртимиз, бағрикенг ҳалқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимизга айланмоғи лозим.

Фойданалинган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағищланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди://<http://aza.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchilikn-15-11-2017>.
2. "Темур тузуклари" Тошкент "Ўзбекистон" 2018 й.
3. Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" Тошкент, "Маънавият" 2008 йил 124-бет
4. Мирзиёев Ш.М. Миллый тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 150 бет.
5. 2017 йил – шиддатли ислоҳатлар йили. – Т.: "Адолат", 2018. – 35 бет.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллый тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 150 бет.

² Мирзиёев Ш.М. Миллый тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 141 бет.

³ 2017 йил – шиддатли ислоҳатлар йили. – Т.: "Адолат", 2018. – 35 бет.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(5-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.07.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000